*Таҳлил*

# САНАЦИЯ: ИНҚИРОЗДАН ЮКСАЛИШ САРИ...

Куннинг тез ўтишини қаранг. Абдувоид билан "тўқнашганимиз"га ҳам роппа-роса бир йил тўлибди. Гап-сўзлари бурро. Хуллас, суҳбатдошим бир йил аввалги Абдувоидга сираям ўхшамайди. Ҳолбуки, мен билган Абдувоиднинг руҳи сўник, кайфияти дарз кетган, кўзини ердан узолмас, гапи гапига қовушмас эди.

— Биласизми, ўша кезлари корхонани қабул қилиб олганимга ҳали ярим йил ҳам бўлмаганди, — хотирлайди у. — Солиқдан ўттиз миллион сўм, электр энергиясидан ҳам шунча қарз елкамиздан босиб турарди. Ишчилар ойлик маошини вақтида олмай, хуноб бўлиб юришганди. Уларнинг кўпчилиги ишдан кўнгли совиб, кетиб қолганди. Буниси ҳам етмагандай, корхонанинг айланма маблағи барбод бўлган эди.

Тўғрисини айтадиган бўлсак, "Асакатекстиль" ҳиссадорлик жамияти ҳам бир вақтлар вилоятдаги пешқадам корхоналардан бири ҳисобланарди. Бу ерда тайёрланган хом сурп ва калава ип каби маҳсулотларга талаб катта эди. Кейинчалик эса харидор озайди. Бироқ мутасаддилар бозор талабини ўрганмасдан туриб, маҳсулот ишлаб чиқаришда давом этавердилар. Цехдаги дастгоҳларни илғор технология билан янгилаш ҳақида қайғурадиган марду майдон топилмади. Ҳолбуки, корхона мулкининг эскириши бир йилнинг ўзида 8 фоиздан 13 фоизга ўсганди. Раҳбару мутахассисларда ташаббус етишмади. Корхона 1998 йилни 10 миллион 458 минг сўм зарар билан якунлади. 181 миллион 197 минг сўмдан иборат айланма маблағнинг бошига сув қуйилди. Ишловчилар сони 388 кишига тушиб қолди.

Шу тариқа корхона санацияга туширилиб, унга ташқи бошқарувчи тайинланди. Корхонанинг барча қарзи 24 ой муддатга кечиктирилди. 19,3 миллион сўм миқдоридаги қарз эса кечиб юборилди.

Янги раҳбар йўл қўйилган хато ва камчиликларни чуқур таҳлил этиши, корхона шуҳратини тиклаши, катта машаққатлар эвазига яратилган иш ўринларини асл ҳолатига қайтариши ва энг муҳими, ҳақдорлар олдидаги қарздан қутулиш чораларини топиши керак эди. Бунинг учун ёш, тиниб-тинчимас раҳбардан, билим ва тажрибадан ташқари, куч-ғайрат, истеъдод, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш талаб этилар эди.

Абдувоид Абдуллаев шу тарзда иш юритиб, санация берган имкониятдан самарали фойдаланди. Тўхтаб қолган дастгоҳларнинг қарийб 70 фоизи ишга солинди. Ташқи бошқарувга ўтилгунга қадар олти ой мобайнида 78.373 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги ярим йилда бу кўрсаткич 160 миллион сўмликдан ортиб кетди. Асакалик енгил саноатчилар йилни 238,4 миллион сўмлик миқдорда маҳсулот тайёрлаш билан якунлади. Бу ишлаб чиқариш суръати илгариги йилга нисбатан 296 фоиз ортди, деган сўздир.

Маҳсулот сифати, унинг харидоргирлиги ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутиши маълум. Истеъмол бозорида унга талаб қанча катта бўлса, корхонанинг иқтисодий қудрати шунча бақувватлашиб, ишловчиларнинг рўзғорига барака киради. Бу соҳадаги ўсиш 415 фоизни ташкил этди.

- Қарзнинг ўзи 241 миллион 733 минг сўм эди.
- Умидсизликда қолган 388 киши.
- Санация берган имконият.
- Раҳбарга кўп нарса боғлиқми?
- Маҳсулот ишлаб чиқаришда 204, уни сотишда 415 фоиз ўсиш.
- Меҳнат унумдорлиги 141 фоизга ортди.
- Иссиқ овқатдан тортиб, транспорт хизматигача бепул.

Натижада кўпдан буён қўли пул кўрмай қўйган ишчиларга ойлик маошларни ўз муддатида бериб бориш йўлга қўйилди. Агар ўтган йилнинг биринчи ярмида 5 миллион 658 минг сўм миқдорида иш ҳақи тўланган бўлса, йил якунига келиб, бу кўрсаткич 12 миллион 864 минг сўмга етди. Ўртача иш ҳақи 4600 сўмдан 6900 сўмга кўтарилди. Ип йигирувчи Зилола Датқаева, тўқувчи Жаннатхон Собирова, тандаловчи Муқаддас Ёқубова сингари пешқадамларнинг ойлик иш ҳақи бундан ҳам юқори бўлаётир.

Сир эмас, қаерда моддий манфаатдорлик юқори бўлса, ўша ерда ишга бўлган муносабат ўзгаради. Одамларда эгалик ҳисси уйғонади. Корхона бошқа ерда ишловчиларни ҳам оҳанрабодай ўзига чорлай бошлайди. Бир пайтлар ишдан кўнгли совиб, кетиб қолган ип йигирувчилар ва тўқувчилар эндиликда қадрдон даргоҳларига қайтиб келмоқдалар. Ҳозир бу ерда ишловчилар сони 611 кишига етди.

— Корхона оёққа туриб ҳам олди. Энди ишлар изига тушди, деб ҳисоблайсизми?

— Қайдам, — дейди Абдувоид жиддий тортиб. — Вилоятдаги бақувват жамоалар қаторидан ўрин олиш учун ҳали кўп ишлашимиз керак. Тўғри, дастлабки натижаларга эришгандаймиз. Ишчиларимизни уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминлаяпмиз. Уларни ишга олиб келиш ва уйларига элтиб қўйиш мақсадида махсус автобуслар ажратилган. Бундан ташқари, корхона цехлари тўла таъмирдан чиқарилмоқда. Санация ўзини оқлайди, деб ишонаман. Биз бор имкониятни ишга соламиз, албатта.

Шу ўринда ҳикоямизни тугатсак ҳам бўлар эди. Бироқ ишловчилардан айримларининг қувона-қувона айтган сўзлари билан ўртоқлашгимиз келди.

— Уйда ўтирган қизларнинг бири эдим. Корхона оёққа тургач, ишга кирдим, — дейди Фарида Эргашева. — Ойлигимизни вақтида беришяпти. Режадагидан ортиқ, сифатли маҳсулот тайёрласангиз, қўшимча ҳақ ҳам оласиз. Ўзимиз ҳам хурсанд, оила аъзоларимиз ҳам.

— Раҳбар дегани эртанги кунни кўра билса, ташаббускор, тадбиркор бўлса, бу ҳамманинг омади, — суҳбатга қўшилади Зилола Датқаева. — Мана, корхонамизда раҳбар янгилангач, иш юришиб кетди. Қолоқликдан қутулдик. Кўрасиз, биз илғорларнинг илғори бўламиз ҳали.

Қизларнинг орзу-умиди, ишончи куртак ёзишига ишонамиз, албатта.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## ЭКСПОРТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

Республика Бадиий академиясининг «Хамар» халқаро алоқалар марказида бўлиб ўтаётган савдо-саноат ярмаркасида 220 дан ортиқ корхона ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Оддий қандолатчиликдан тортиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ускуналаргача намойиш этаётган ушбу ярмарка кўпчиликда катта таассурот қолдириши, шубҳасиз. Сабаби, кўргазмадаги маҳсулотлар сифати, қадоқланиш даражаси жиҳатидан хорижникидан ҳечам қолишмайди.

— Бундан уч-тўрт йиллар аввал бўлган кўргазмаларда бундай маҳсулотларни учратишимиз қийин эди, — дейди Тошкент шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси А.Йўлдошев. — Демакки, энди ана шундай маҳсулотларнинг нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам чиқарилишини кўпайтиришимиз лозим. Бунинг учун уларга керакли шароитлар яратиш мақсадида, бу ерга 30 га яқин хорижий компания, фирмалар ва шунингдек, банк, солиқ бошқармалари вакиллари таклиф этилган. Тадбиркорлар улар билан ўзаро шартнома тузишлари, қўшма корхоналар ташкил этиш борасида келишиб олишлари мумкин.

Ярмарка бугун ўз ишини тугатади.

**Б.ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕНЕЖМЕНТ — БОШҚАРИШ САНЪАТИ

*Бозор сабоқлари*

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаяпти, унинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори тобора ортмоқда. Чунки у катта иқтисодий салоҳиятга эга. Бугунги кунда республикамиз пахта етиштириш бўйича дунёда тўртинчи, олтин қазиб олишда бешинчи ўринда туради. Нефть ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса мустақилликка эришдик. Бундан ташқари, мамлакатимизда 3600 та қўшма корхона, шу жумладан, 562 та йирик ишлаб чиқариш иншооти фаолият кўрсатмоқда.Кичик ва ўрта бизнес йил сайин ривожланаяпти, бозор инфратузилмаси шаклланаётир. Табиийки, макроиқтисодий барқарорликка ва охир-оқибатда бутун иқтисодиётга ижобий таъсир ўтказувчи, ҳаракатлантирувчи асос бўлиб хизмат қилувчи ана шу қудратли салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, унинг самарадорлигини янада ошириш учун ҳар бир раҳбар, мутахассис ва тадбиркор бошқариш санъатини мукаммал билиши зарур.

Шунинг учун бизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ, кадрлар салоҳиятини замонавий даражага кўтариш масаласи асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Шу мақсадда республикамизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастур ва давлат стандартлари яратилди. Бошқача айтганда, кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш борасида бозор муносабатларига мос янги сиёсат ишлаб чиқилиб, у изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, ҳозирги кунда мавжуд олий ўқув юртларининг нафақат иқтисодиёт факультетларида, балки бошқа факультет ва бўлимларида ҳам менежмент фани ўқитилаётгани айни муддао бўлди. Дарвоқе, менежмент нима дегани?

Менежмент (инглизча бошқариш, мудирлик, ташкил этиш) – замонавий ишлаб чиқаришни бошқариш ( режалаштириш, тартибга солиш, назорат қилиш), уни ташкил этиш ва раҳбарлик қилишдир. Менежмент инсоннинг шундай бир билим доирасики, у кўзланган мақсадлар (ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фойдани кўпайтириш)га эришиш учун бошқариш усуллари, шакллари, воситалари мажмуини ўз ичига олади. Шу маънода, жаҳон амалиётида бу нафақат фан, балки бошқариш санъати сифатида эътироф этилган.

Менежмент фани кенг кўламли, кенг қамровли бўлиб, бир неча йўналишлардан ташкил топган. Давлат менежменти, маъмурий менежмент, халқаро менежмент, инновацион менежмент, банк менежменти, солиқ ва божхона менежменти, ижтимоий менежмент, бизнес менежменти ва бошқалар шулар сирасига киради. Бу фанлар олий ўқув юртларида, хусусан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида янги давлат стандарти асосида ўқитилмоқда.

Бошқариш санъатининг бирламчи тамойилларидан бири кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳисобланади. Бунда уларни аттестациядан ўтказиш энг мақбул усулдир. Бу тажриба бизда ҳам барча соҳаларда ўзини оқламоқда. Лекин айрим ҳолларда ана шу масалага принципиал ёндашмаслик, яъни таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилаётгани ачинарлидир. Бундай ҳолат яхши самара бермайди, жамиятимиз ривожига путур етказади, билимдон ёшларимизни ўстиришга тўсиқ бўлади.

Бошқариш санъатига, шунингдек, бир томонлама, тор маънода қарамасдан, унга комплекс ёндашиш зарур. Шунда бошқаришда кутилган натижаларга эришиш мумкин. Бу нимани англатади? Биринчидан, ваколат бериш, ўз вазифасини ва ишини мукаммал билиш, масъулиятни сезиш, сансалорликка барҳам бериш, ҳалол ва камтар бўлиш, жамоа фикрига таянган ҳолда тўғри қарор қабул қилиш, лоқайдлик ва бепарволикка йўл қўймаслик, чуқур маънавиятга, мустақил дунёқараш ва фикрлашга, изланувчан ва тадбиркорлик фазилатларига эга бўлиш. Иккинчидан, бошқариш маданияти ва этикасини яхши ўзлаштириб олиш, ходимлар билан тўғри муносабатда бўлиш, уларнинг гаплари ёки арзларини тўла эшитиш, салбий вазият ва ҳолатларни бартараф этиш ёки шунга йўл қўймаслик, суҳбатлашиш ва келишувларни замонавий усулда олиб бориш. Бу борада бошқариш санъати асосчиларидан бири – Соҳибқирон бобомиз Амир Темур фаолияти ҳаммамизга ибрат бўлмоғи лозим. Айниқса, унинг тузукларини ҳар бир раҳбар яхши англаб олиши зарур.

Айни чоғда, менежмент санъатининг моҳиятини фақат билимдонлик белгилайди, деб ўйлаш хато. Бунда жиддий вазиятларда энг оқилона қарорлар қабул қилиш, бошқариш фаолияти нечоғлик самара бериши, ўз маблағини бизнес ва тадбиркорликка йўналтириб, муваффақиятларга эришиш ҳам муҳим хусусият ҳисобланади. Айни шу хусусиятлар ҳозирда чет эл амалиётида менежмент санъати асосини ташкил этади. Шу билан бирга, менежмент санъати бошқариш услубига бевосита боғлиқдир.

Менежмент санъати ҳокимиятлар, идоралар, ташкилотлар, корхоналарни самарали бошқариш, улардаги раҳбарларнинг вазифалари ва ваколатларини ўрганиш ва бу ишни доимий равишда такомиллаштириб боришни ҳам кўзда тутади. Маълумки, бошқариш икки тизимга асосланади: горизонтал ва вертикал. Вертикал бошқариш давлат бошқарувида кенг қўлланилса, горизонтал бошқариш хўжалик субъектларига хосдир. Хўжалик субъектларида горизонтал бошқаришни ривожлантириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асоси ҳисобланади. Аммо иқтисодиётимизнинг айрим соҳаларини бошқаришда икки тизимдан фойдаланиш бюрократик ҳолатларни кучайтирмоқда. Масалан, республикамизда Маҳаллий саноат концерни, Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги мавжуд. Шу билан бирга, ҳар бир туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида бу тармоқлар бўйича департаментлар тузилган. Бу эса ортиқча бошқариш харажатларига олиб келади. Шунинг учун ҳокимиятлар таркибидаги савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш департаментларини ислоҳ этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Яна бир муаммо. Бизда саноат менежментини, кичик ва ўрта бизнесни яхши ўзлаштириш мақсадида шу йўналишдаги давлат стандартларига янги фанлар киритилди. Масалан, инвестиция менежменти, ресурслар менежменти, лойиҳалаштириш менежменти, инсон омили менежменти, таваккалчилик менежменти ва ҳоказо. Афсуски, ушбу фанларни ўқитиш ҳалигача самарали йўлга қўйилган эмас. Агар бунга эришилса, нафақат давлат, балки шахсий маблағлардан тўғри фойдаланиш имкони яратилади. Қолаверса, ана шу янги фанлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, уларни Фан ва техника давлат қўмитаси илмий-тадқиқот ишлари режасига киритиш ҳам фанга, ҳам амалиётга фойдали бўлур эди.

Хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиёт самарадорлигининг учдан бир қисми инвестицияга боғлиқ бўлса, қолгани интеллектуал капиталга, яъни раҳбарларнинг маҳорати, ўз ишини яхши билиши, эртанги кунни олдиндан кўра олиши, бозор коньюктурасини қай даражада баҳолаши, ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиши ва ундан амалиётда оқилона фойдаланишига боғлиқдир.

Дарҳақиқат, раҳбар бўлиш осон эмас. Бу унвонга лойиқ бўлиш учун унга масъулият, тўғрилик, камтарлик, ҳалоллик, виждонлилик каби фазилатлар лозимки, булар ҳам менежмент санъати асосини ташкил этади. Шу маънода, менежмент санъатини ўрганиш, унга риоя қилиш ҳар бир раҳбар ва тадбиркорнинг асосий вазифаси бўлмоғи керак. Бу эса ҳаётда ва ишда ўз самарасини беради.

**Шавкат ЗАЙНУТДИНОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Менежмент» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.**



# ДАЛАЛАРГА ҚАДАЛАЁТГАН РИЗҚ

*Бугун дала-ю, боғларнинг файзи ўзгача. Деҳқон қиш бўйи ором олган бўрсилдоқ ер бағрига чигит қадаётир, боғбон гулга кирган дарахтлар ифоридан сармаст боққа ишлов бераётир. Ана шундай уйғониш фаслида Янгийўл туманининг Ҳ. Турсунқулов номли жамоа хўжалигида ҳам иш қизғин. Хўжалик аҳли бу йил 840 гектар ерга барака уруғи қадашни режалаштирган. Айни пайтда бу ерда сўнгги гектарларга чигит қадалмоқда. Бу ишда моҳир механизатор Комилжон Абдуваҳобов ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.*



**СУРАТЛАРДА: Комилжон Абдуваҳобов; чигит экиш пайти.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# «РУБИН-БРОУН» ЖЎЖАЛАРИ

Германиянинг «Ориби» фирмаси Каттақўрғондаги банкротга учраган паррандачилик фабрикасини сотиб олган эди. Бу фирма унинг негизида «Ориен-Парранда» корхонасини ташкил этиб, Германиядан келтирилган ускуналар билан жиҳозлаганди. Яқинда Россиядан «Рубин-Броун» навли товуқ тухуми сотиб олиниб, 72 мингта жўжа очирилди. Шундан 50 мингтаси ўстириш учун қолдирилиб, қолган қисми аҳолига сотилди.

Яна уч-тўрт ойдан кейин бу ерда тухум олина бошланади. Ҳисоб-китобларга кўра, корхона жамоаси шу йилнинг ўзида бир неча миллион дона тухумни сотувга чиқариб, сезиларли даражада даромадга эришишни мўлжалламоқда.

*Қўшхабар*

# ҚУЁШДАН МАНБА ОЛИБ

Тасаввур қилинг: бепоён яйлов, бийдай чўл, гўё унинг чегараси йўқ. Бундай жойларнинг қиши изғиринли келса, ёз қуёши олов пуркайди. Чўпон эса ана шундай шароитда меҳнат қилади, қиш қаҳрию, ёзнинг гармселли дамларини писанд қилмайди.

Нурободлик чорвадорларнинг ҳам ҳаёти шундай. Лекин қийинчиликлардан улар асло нолишмайди. Аксинча, мавжуд муаммолар ечимини ўзлари топишга интилишади. Чўпонлик сулоласини давом эттираётган Тўхтаевлар оиласи ҳам шундай иш тутаяпти. Бугун ота-боболари касбини давом эттираётган Носирни туману вилоятда ҳам кўпчилик билади. У самарали меҳнатлари эвазига «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Бу йил қаровидаги 650 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 110 тадан қўзи олиб, уларнинг 80 фоизини ўстиришга қолдиришга аҳд қилган.

Наврўз байрами арафасида, қўзилатиш мавсуми айни қизиган бир пайтда Носир Тўхтаев хонадонида қувончли воқеа юз берди. Аввалига чўпоннинг неча йиллардан буён кутаётгани – тўнғич фарзанд дунёга келди. Кейин эса чўл ўртасидаги отарда электр нури ҳам пайдо бўлди. Яна қандай денг? Қуёш нури ҳисобига электр.

Отарда қуёш нуридан манба олувчи кичик фотоэлектр станцияси тажриба тариқасида ўрнатилди. Бу иш туман ҳокимлигининг бевосита ёрдами туфайли амалга оширилди.

Республика Фанлар академияси Электроника институти тадқиқотчи олимлари мазкур қурилмани ўрнатиб беришди. Унинг қулайлигини мутахассислар 30 йилгача электр нури таъминоти билан боғлиқ муаммолардан халос бўлишликда, деб изоҳлашмоқда.

Бу кичик электр станциясидан қишу ёз бирдек фойдаланилади. Чунки қурилма қуёшли кунларда олинадиган нурни бемалол махсус аккумуляторга узатади. Унда эса доимий электр қуввати жамланади. Чўпон уйида электр чироғи ёниб, телевизор кўриш имкони яратилди. Қўйлар жунини электр машинкаларида қирқиш, қудуқдан сув чиқариш ҳам қуёш туфайли ҳосил қилинаётган электр нури ёрдамида бажарила бошланди.

Вилоят ҳокимлиги республикада ягона бўлган бу ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлади. Чорвадорлар учун ниҳоятда қулай бўлган қуёш нуридан манба олувчи бундай электр мосламаларини йил охиригача яна ўнлаб чўпон отарларида ўрнатиш режалаштирилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ

### жамоат назоратига боғлиқ

**Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида барча минтақа ва соҳаларга хос бўлган иллатлар очиб ташланди. Президентимиз ҳаётда учраб турган камчиликларга қарши курашишда жамоат назоратини сафарбар этиш, айниқса, оммавий ахборот воситалари фаоллигини ошириш зарурлигини алоҳида уқтирдилар. «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Ф. Йўлчиевнинг мақоласи ана шу мавзуда.**

Юртбошимиз биздан жасорат кўрсатиб ишлашни, эскича фикрлайдиган, тараққиётимизга турли йўллар билан тўғаноқ бўлишга уринаётган раҳбар ходимларни аямай фош этишни талаб қилмоқда. Шаҳар ва туманларда 100 дан зиёд штатсиз мухбирларимиз бор. Улар жойлардаги илғор тажрибалар, янгиликлар, қувончли ўзгаришлар ҳақида, шунингдек, рўй бераётган нохушликлар, йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида мунтазам хат-хабар йўллаб турибдилар. Мактубларнинг муносиб кўрилгани газетамиз саҳифаларидан ўрин олаяпти.

Албатта, ҳар бир газетанинг салоҳияти, аввало, чиқишлар савияси, таъсирчанлиги билан ўлчанади. Ўтган йили шундай воқеа бўлганди. Таҳририятга Уйчи туманининг Қизилравот қишлоғидаги мактаб муаллими кириб келди. У қишлоқ ёшларининг ўзлари ташаббус кўрсатиб, футбол ўйингоҳи қуришга киришгани, аммо қишлоқ фуқаролар йиғини, жамоа хўжалиги раҳбарлари уларни қўллаб-қувватлаш ўрнига турли йўллар билан ташаббусни бўғишга ҳаракат қилаётгани, ҳатто туман раҳбарияти ҳам муаммо ечилишига бефарқ қараётганини айтди. Тезда мухбиримизни жўнатдик. Ҳаммаси тасдиқланди. «Бир хат изидан» рукни остида танқидий мақола босилди. Муаммо шу тарзда ўз ечимини топди. Қишлоқ фуқаролар йиғини ҳашар уюштирди. Ёшлар эндиликда ўйингоҳда спорт билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказаяптилар.

Яна бир мисол. Шу йил феврал ойида Янгиқўрғон туманидаги айрим хўжаликларда чорвачилик ночор аҳволга тушиб қолгани хусусида таҳлилий мақола эълон қилган эдик. Шу муносабат билан туман бўйича чорвачиликка бағишланган йиғилиш ўтказилиб, соҳадаги камчиликлар муҳокама қилинди. Айбдорлар жазосини олди. Мутахассислар масъулияти оширилди. Туман ҳокимлиги соҳани қатъий назорат қилиб бормоқда. Натижа чакки эмас. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш суръати тобора кўтариляпти.

Таҳририятимиз аллақачон бозор иқтисодиёти талаблари асосида ишлаяпти. Бир неча йилдан буён даромадни ўзимиз ишлаб топяпмиз. 1997-1999 йилларда 12 миллион сўмга яқин фойда кўрдик. Даромадга қараб буромад, деганларидек ходимларимизга йил мобайнида байрамлар муносабати билан мукофот пули берилади. Муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газетамизнинг ҳар бир сони учун 10 минг сўмдан қалам ҳақи белгилаганмиз.

Мустақиллик, Юртбошимиз айтганларидек, барча соҳада, жумладан, тафаккуримизга катта ўзгаришлар олиб келди. Одамларда ижтимоий-сиёсий эркинлик, ҳурфикрлилик ривожланишига имкон туғилди. Ўзбекистон Конституцияси ва унга асосланиб қабул қилинган қонунлар, аввало, жамиятнинг эркинлигини кўзда тутади. Бу матбуотда ва журналистикада ҳам ўз ифодасини топмоқда. Унда фикрлар хилма-хиллиги, холислик, матбуот ва ахборот олиш ҳақидаги қонунлар устуворлигига амал қилинмоқда.

Тўғри, ҳали журналистларимизнинг баъзилари ҳаётдаги ўзгаришларни янгича нигоҳ билан таҳлил қилиш малакасига етарлича эга эмаслар. Бунда ишга эскича ёндашиш қусури кўзга яққол ташланади. Яшириб нима қиламиз, мустақиллик моҳиятини халқимиз онгига етказишда, ислоҳотлар йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишда матбуотнинг катта имкониятлари ҳали тўла ишга солингани йўқ. Ҳамон газетхонни зериктирувчи «ғиштин» мақолалар газета саҳифаларини тўлдириб турибди. Халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, сўз қудрати билан омма онгига таъсир этиш борасида камчиликларимиз анчагина. Бу борада иқтисодий қийинчиликларни рўкач қилиш ярамайди. Шу маънода биз мавжуд имкониятларимизни ҳисобга олиб, газетанинг сотув нархини тобора арзонлаштириш тадбирларини кўряпмиз.

Давр журналистика олдига янги вазифаларни қўймоқда. Матбуот холис ҳакам вазифасини ўтаб, жамоатчилик фикрини шакллантирмоғи керак. Ана шунда у тараққиётга хизмат қилади.

**Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

# МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ИСТИҚБОЛИ

**Миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Президент Ислом Каримов миллий мафкурамиз халқимизнинг азалий анъаналарига, тили ва динига, руҳиятига, умуман олганда, миллий қадриятларига, маънавияти ва маърифатига, тафаккурига асосланиб, айни чоғда, умуминсоний ютуқ ва тажрибалардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ манфаати йўлида хизмат қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.**

Ўтган тўққиз йил ичида мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда, умуман, одамларимиз онгида туб ўзгаришлар рўй берди. Бугун халқимизнинг дунёқараши, тафаккури бутунлай бошқача. Мустақиллик нима берди, биз ким эдигу ким бўлдик, ҳозирги ҳаётда ҳар биримизнинг ўрнимиз қандай, мустақилликни мустаҳкамлаш учун нима қилишимиз керак — бу саволларга кўпчилик одамларимиз чин кўнгилдан миллат тақдири ва манфаатидан келиб чиққан ҳолда жавоб беришмоқда.

Албатта, маънавий-маърифий ишларнинг жонланиши маънавиятга шахсан Президентнинг ҳомий бўлганлиги, бу масала уларнинг доимий эътиборида тургани билан боғлиқдир. Бошқа мамлакатларда давлат бошлиғи маънавиятга, маърифатга биздагидек эътибор бераётганлигини, очиғи, билмаймиз. Табиийки, бу эътибор биз — мафкура соҳаси ходимларига улкан масъулият юклайди. Мамлакат миқёсида маънавият ва маърифат жабҳасида амалга оширилиши лозим бўлган стратегик устувор дастурий йўналишлар Президент Ислом Каримов асарларида, жумладан, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида аниқ ва равшан белгилаб берилган. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши барча ишларини ана шу дастурил-амал вазифаларни бажаришга қаратган.

Энди мазкур Кенгаш фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, бир нарсани кузатиш мумкин. Яъни, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ўрнида Кенгашнинг ташкил этилиши маънавият ва маърифат соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтаришга, унинг фаолиятини янада жонлантиришга кўмак берди.

Бугун миллий ғоя ва миллий мафкура асосларини, истиқлол моҳиятини халқимизга кенг, атрофлича ва оммабоп қилиб тушунтиришда биргина оммавий ахборот воситалари кучига таяниш камлик қилади. Энди халқ ичига юриш қилиш вақти келди. Ҳамма замонларда ҳам мафкура, умуман, ҳар қандай ғоя тарғибот-ташвиқот йўли билан кишилар онгига сингдирилган. Бунинг учун бевосита мулоқотлар, суҳбат ва учрашувлар, баҳс-мунозара, савол-жавоблар керак.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши жамоатчи тарғиботчи-ташвиқотчилар гуруҳларини шакллантиради. Пешқадам зиёлилардан иборат бу гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда долзарб маънавий-маърифий мавзуларда тадбирлар ўтказадилар.

Ўтган ҳафта шундай гуруҳ Фарғона, Наманган, Андижон, Тошкент вилоятларида бўлиб, «Миллий ғоя ва миллий мафкура - келажак йўли» деб номланган тадбирлар мажмуини ўтказиб қайтди. Одамлар миллат ва халқ тақдири, келажаги, бугуни олдида турган муҳим вазифалар ҳақида бундай ҳаётий таҳлилларга нечоғли муҳтож эканлиги аён бўлди. Буни учрашувлардаги савол-жавоблардан ҳам билиб олса бўлади.

Шу кунларда яна бир жамоатчи тарғиботчилар гуруҳи Сирдарё ва Жиззах вилоятларида худди шундай учрашувлар ўтказяпти.

Одамлар бу тадбирлардан шу азиз Ватан барчамизники эканини, унинг тақдири, келажаги, равнақи учун ҳар бир фуқаро масъул эканини ҳис қила бошлаганлари рост.

Шуни айтиш кераки, маънавий-маърифий соҳага жойларда бевосита вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг Кенгаш раиси этиб сайлангани жойларда ишларимизнинг жонланишига олиб келмоқда.

Кенгашни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши бизни ўтган йиллардаги ўз фаолиятимизни яна қайтадан танқидий кўз билан кўриб чиқишга ундади ва шу нарса аён бўлдики, Марказ ишида, очиғини айтсак, изчиллик етишмаган, ҳар бир иш кўпгина ҳолларда самара-натижани кўзламасдан олиб борилган.

Кузатувлар шуни кўрсатдики, олдинги ишларда маънавий-маърифий, миллий ғоя ва миллий мафкура соҳасидаги ишларда мақсад аниқ, тадбирлар дастури аниқ, аммо натижа номаълум бўлиб қолган. Ўзимизга-ўзимиз «Биз ўтказаётган бу тадбирлар қандай натижа беряпти, маънавий-маърифий ишлар самарасини қайси мезонлар билан баҳолаяпмиз, биз ўтказаётган тадбирлар натижасида халқ онгида, мафкурасида нима, қанчага ўзгарди?» деб савол бериб кўрмаганмиз. Энди шуни аниқ биламизки, олиб бораётган ишларимизда натижани сарҳисоб қилишимиз, натижага қараб кейинги фаолиятни давом эттиришимиз лозим. Натижа эса бутун халқимизнинг маънавиятидаги янгиланиш, миллий истиқлолни англаш, уни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, яъни, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, одамларнинг тафаккуридаги ўзгариш даражасига қараб баҳоланмоғи керак.

Ҳаёт маънавий-маърифий, миллий мафкуравий ишлар бизда бир йиллик, мавсумий иш эмас, балки доимий стратегик масала эканлигини, шундан келиб чиққан ҳолда бу йўналишнинг ўз Дастури, мутахассислари, илмий-тадқиқот изланишлари бўлишини тақозо қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Кенгаш қошида Миллий мафкура илмий-тарғибот маркази фаолиятини ташкил этиш бошланди. Бу марказ нима билан шуғулланади? Аввало, миллий истиқлол мафкураси ва миллий ғоянинг дастурий асослари устида иш олиб боради ва кенг жамоатчиликнинг онгига, қалбига етказишнинг замонавий, таъсирчан восита ва шаклларини яратади.

Шу ўринда маънавият ва маърифат, миллий мафкура тарғиботи ҳақида баъзи бир фикрларимни айтмоқчи эдим.

Инсоният тарихида ҳар бир ислоҳот одамлар феъл-атворини ўзгартиришдан бошланади(Э.Фромм). Халқлар, давлатлар тараққиётида кескин, миллат тақдирини белгиловчи муаммоларни тез ва соз ҳал қилиш вазиятларида давлат ва халқнинг фавқулодда бирлигига, умуммиллий сафарбарликка мурожаат қилинган. Ҳозир Ўзбекистонимизга четдан ва ичкаридан бўлаётган таҳдидларни ҳисобга олсак, ўта муҳим тарихий вазиятда турганлигимизни англаймиз. Чунки Ўзбекистоннинг буюк келажаги, аввало, одамларимиз тафаккуридаги ислоҳотга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бугунги ислоҳотларимизнинг сифат ва суръати, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш каби кучли сиёсий стратегия ана шундай умуммиллий сафарбарлик тактикасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга боғлиқ бўлиб турибди. Ушбу умуммиллий ислоҳий сафарбарликдан мақсад Ўзбекистоннинг буюк келажагини тез ва соз таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Сир эмаски, олимларимиз миллий мафкуранинг назарий асослари ҳақида кўпроқ гапирадилар. Назарий асослар миллатни миллат қилиш учун етарли эмас. Шу боис ҳам Президент Ислом Каримов миллий мафкуранинг амалий жиҳатларини ривожлантиришни истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ўртага ташлаганди. Ана шу амалийликни уқтириш учун Юртбошимиз масалага яна қиёсий ёндашиб «Бир вақтлар ҳар ҳафтада сиёсий ўқув ўтказиларди. Ҳозир нима бўляпти? Мафкура масаласида ким нима қилиши керак? Ким бу дастуриламални ишлаб чиқиши керак?» — деган фикрни яна бир бор эслатиб ўтди. Лекин бизнинг тактикамизда Президент «мафкуравий тортишувлар тўхтагани йўқ» деб огоҳлантирса-да, амалийлик суст қолаверди.

Қолаверса, мафкуравий душманларимиз очиқ курашга ўтган бир шароитда миллий мафкурани курашчан мафкурага айлантириш зарурати туғилмоқда. Бизда, очиғи, олимларимизнинг бу борадаги амалий таклифлари йўқ ҳисоби.

Хуллас, ҳозир бизни қийнаётган муаммо — баъзи одамларнинг тафаккури нисбатан суст ўзгараётган бўлса, бунинг сабаби, менимча, сохта бўлса ҳам, эски мафкуранинг одамларимиз онгига кучли тизим асосида сингдирилганида. Демак, фақат илмий асосга қурилган миллий мафкурагина эски мафкура илдизларини суғуриб, ҳозир бизга таҳдид солиб турган диний экстремизм мафкурасини ҳам, бундан кейин биз XXI асрда дуч келишимиз мумкин бўлган ички ёки ташқи мафкуравий таҳдидларга метиндек тўсиқ бўла олади. Яъни, биз одамларимизнинг миллий мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашимиз керак. Токи ўзга, ёт ғоялар одамлар онгига умуман сингмасин.

Ўзбекистон халқининг миллий мафкуравий иммунитети деганда мен ҳар бир ватандошимизнинг сўзда ҳам, ишда ҳам, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам Ўзбекистонга қарши қаратилган ҳар қандай сўз, фикр, хатти-ҳаракатга қўл билан, сўз билан, ҳеч бўлмаса — ёмон кўриш билан қарши тура олиш қуввати, салоҳиятини тушунаман. Йўлбошчимизнинг «Огоҳ бўлинг, одамлар! - деган чақириғи бизни доимо ҳушёрликка чорлаши керак. Биз ташқи ва ички таҳдид мавжудлигини ҳаққоний кўрсатиб, жамиятни бирлаштиришимиз лозим. Чунки муайян хавфни англамасдан туриб, жамиятни бирлаштириш мушкул. Сен илгари ким эдинг-у, бугун кимсан, авлод-аждодларинг ким бўлган, ҳозирги дунёдаги ўрнинг қандай, истиқлолни қўлдан бой берма, мудрама, уйғон, огоҳ бўл, деб миллатнинг ориятини қўзғаш керак. Чунки англанган умумий таҳдид миллатни бирлашувга ундайди, уни сафарбар қилади.

Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда Президент Ислом Каримов томонидан кўтарилган миллий ғоя шу сабабли бебаҳоки, у 24 миллиондан зиёд Ўзбекистон халқини кучли жамиятга айлантириб, миллатнинг кучли характерини ишга тушириб, буюк келажакни яқинлаштиради. Бинобарин, ислоҳ қилинган жамият кучли демократик жамиятга айланади. Хулоса эса қуйидагича:

*1. Дунё тарихида саноқли миллатлар инсоният цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган. Ўзбеклар - шундай миллатлардан бири. Бу ҳар биримизда фахрланиш туйғусини ҳосил қилиши керак.*

*2. Демак, тарихи буюк халқнинг, албатта, келажаги ҳам буюк бўлади.*

*3. Мафкураси мустаҳкам халқ, миллат ҳеч қачон енгилмайди.*

*4. Шу боис одамларимиз онгида миллий мафкуравий иммунитет ҳосил қилишдан тўхтамайлик.*

*5. Маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларимизда реал натижани кўзлаб, истиқболни кўрсатиб тарбиялашга эътиборни кучайтириш лозим. Маънавият эса миллатнинг истиқболидир.*

*6. Жадид боболаримизнинг «Келар замон учун ҳозирланайлик, ўтган замон учун эмас», — деган шиорига амал қилсак, кам бўлмаймиз.*

**Аслиддин БОЛИЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши масъул котиби.**

# ЖИНОЯТ — БОШИ БЕРК КЎЧА

Президентимиз «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш республика комиссиясининг мажлисида бирламчи эътибор берилиши зарур бўлган устувор олти йўналишни белгилаб бердилар. Балоғат ёшига етган ёшларни психологик, жисмоний ва тиббий жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёрлаш биринчи йўналиш сифатида қўйилди. Мана шу йўналишдаги «руҳий ҳаётга тайёрлаш» ибораси ўз ичига жиддий масалаларни олади. Ёшларни ҳаётга руҳан тайёрлаш, жумладан, уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашни ҳам англатади.

2000 — Соғлом авлод йили



Мен ҳуқуқий идоранинг вакили сифатида бу масаланинг заруратига кўп дуч келаман. Маълумотларга қараганда, ҳуқуқий тарбия — умумтаълим мактабларида энг жиддий ўқув-тарбия йўналишларидан ҳисобланар экан. Масалан, Германияда бошланғич синфлардаёқ мактабларга яқин ҳудуддаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жалб қилиниб, улар болалар билан амалий суҳбат-машғулотлар ўтказишаркан. Жумладан, кўча ҳаракати қоидалари, майда жиноятчиликка тааллуқли давлат қонунлари тўғрисида болаларга бевосита ҳуқуқ-тартибот амалиёти ходимлари сўзласалар, бунинг таъсири бошқача бўлади... Ҳар қалай, бизнинг мактабларимизда ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқий тарбия соатлари жорий этилса, фойдадан холи бўлмайди.

Болалар онгига бошқа йўналишдаги билим ва ахборотлар билан бир қаторда ҳуқуқий маълумотларнинг ҳам мунтазам сингдириб борилиши ёшлар ўртасида қонунбузарликнинг камайишига олиб келади, деб ўйлаймиз. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Айрим далилларга мурожаат қилайлик. Таҳлилларга кўра, вояга етмаганлар томонидан 1999 йилда республика бўйича 3173 та жиноят содир этилган. Содир этилган жиноятларнинг 65,1 фоизини, яъни 2068 тасини ўзгалар мулкини ўғирлаш ташкил этади. Бу ниманинг оқибати? Назаримизда, бунга бир сабаб — вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси етарли эмаслигидир.

Тўғри, бунинг бошқа бир ижтимоий сабаби ҳам бор. Масалан, бекорчилик, меҳнат ва бошқа фойдали машғулотлар билан болаларнинг етарли банд эмаслиги шундай сабаблардан биридир. Модомики шундай экан, болаларнинг бандлиги йўлида жойлардаги раҳбарлик тизимлари, тегишли идоралар, оилалар, мактаблар зарур чора-тадбирларни кўришлари лозим. Изланса, имконият топилади, имконият топилса, бандлик ҳам кучаяди ва вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражаси камаяди. Масалан, мактабларда дарсдан кейинги пайтларда спорт-соғломлаштириш тадбирларини изчил йўлга қўйиш, турли хил касб-ҳунар тўгаракларини очиш болаларнинг бандлигини таъминлаши мумкин.

Шу ўринда, айтишимиз керакки, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари ҳузурида вояга етмаганлар билан ишловчи комиссиялар бор. Бироқ, бу комиссияларнинг раислари жамоатчилик асосида ишлайдилар. Шу сабабли улар айтарли жавобгарлик ҳис қилмайди, бу комиссиялар фаолиятида амалий ишдан кўра, расмиятчилик, кўр-кўроналик устун. Бизнингча, бундай комиссиялар ишини жиддий қайта ташкил этиш талаб қилинади.

Худди шунингдек, бандлиги таъминланмаган айрим ўсмирлар диний-экстремистик оқимлар таркибига кириб, жиноят содир этишмоқда. Ана шундай вояга етмаганлар аниқланиб, улар ички ишлар идораларида ҳисобга олинган. Мана шу ҳолатларнинг ўзиёқ кенг жамоатчиликни, айни пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини ҳам ташвишга солди. Маҳаллаларда, мактабларда ва ўқув юртларида ҳар томонлама ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилаяпти, исломий эътиқоднинг асл моҳияти ёшларга тушунтириб берилмоқда. Натижа эса кутилгандай бўлди. Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида диний экстремизмга мойиллик кескин камайди.

Одатда жиноят ҳақида гапирилганда, киши кўз олдига ўғрилик, босқинчилик, қотиллик каби ҳодисалар келади. Негаки, уларнинг оқибати яққол кўзга ташланади. Бироқ шундай жиноятлар ҳам борки, кўринишидан беозор бўлгани билан оқибати даҳшатлидир. Ана шулардан бири гиёҳвандликдир.

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солади, республикадаги криминоген вазиятга, жамиятнинг иқтисодий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади, кўпинча уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлади. Айниқса, бу жиноятларнинг вояга етмаганлар орасида тарқалганлиги катта хавф туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва уни бартараф этиш масаласига алоҳида аҳамият бермоқда.

Қаерда қонун ишламаса, жамоатчилик бепарво бўлса, жиноятчилик кучаяди. Буни қўшни Афғонистондаги, Тожикистондаги воқеалар мисолида кўриб турибмиз. БМТ маълумотларига қараганда, Афғонистон дунёдаги гиёҳвандлик моддалари етиштириладиган энг катта ҳудудлардан бирига айланган.

Мамлакатимизда гиёҳванд моддалар етиштириш ва сотиш қонунчилигимизга кўра қатъиян таъқиқланган. Бу аҳоли соғлиғи энг катта бойлик ҳисобланган, соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган мамлакат табиатига тўла мос келади. Шунга қарамай, афсуски, ёшларимиз орасида гиёҳвандлик моддаларини етиштирувчилар, уларни сотувчилар учраб турибди. Масалан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи вояга етмаган Сафаров Санжар 1999 йилнинг 2 март куни қўшниси Тўхлиев Хурсанга гиёҳвандлик воситасини сотган. С. Сафаров ЎзР ЖКнинг тегишли моддаси билан айбланиб, жазога тортилган. Ёки Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги «Иттифоқ» жамоа-ширкат хўжалигида яшовчи 28-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Расулбек Ғуломов 1999 йил 5 март куни Дилшод Рўзиевга 10,1 гр героинни пуллаётган пайтда қўлга олинди ва суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди. Бундай мисолларни бошқа ҳудудлардан ҳам келтириш мумкин.

Халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бор. Бунинг маъноси шуки, болаларнинг кўча-кўйда ва жамоат жойларида юриш-туришлари атрофдаги етти маҳалла аҳли назоратида бўлган. Барча маҳаллаларда ана шундай муҳитни тикламоқ ва юзага чиқармоқ зарур. Жиноят – боши берк кўча эканлигини болаларимиз онгига етказайлик.

Оилада ҳам, ёш авлод тарбиясида ҳам янада фаолроқ бўлишимиз керак. Чунки жамият айнан оилага, ёш авлодга суянади, шу илдизлар соғлом, бақувват бўлса, жамият тараққиёт сари илдамлайверади.

**Норбой БОБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларни ижро этиш устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи.**

# ТАДБИРКОРИ КЎП ЭЛ БОЙ БЎЛАДИ

Мен — оддий ўзбек аёли мустақиллик шарофати боис тадбиркорлик билан шуғулланиб келяпман. Турмушим яхшиланди, бойидим, хўжалигимиз банкда ўз ҳисоб-рақамига эга бўлди. Эл-юрт фаровонлигига ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келяпман. Очиғини айтсам, бу борада шу кунгача расмиятчилик, қоғозбозлик сингари тўсиқлар кўп эди.

Президентимизнинг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз» номли маърузаларида мен каби тадбиркорларни қийнаб келаётган муаммоларнинг ечими кўрсатиб берилди.

Биргина мисол, тадбиркорнинг банкдан кредит олиши масаласи. Бунинг учун у бечоранинг бормаган эшиги, кирмаган тешиги қолмасди. Кредит олиш масаласига бевосита алоқаси бўлмаган минг хил қоғозларни тўплагунча силласи қуриб, адойи тамом бўларди. Ваҳоланки, яқиндагина Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби» бўйича бир-иккита зарурий ҳужжатлар қаторида, тадбиркор яшаб турган маҳалла (қишлоқ, овул) фуқаролар йиғини Кенгашидан бериладиган кафилликнинг ўзи етарли экан.

Биз тадбиркорлар фаолиятини қанчалик қўллаб-қувватласак, жамият тараққиёти шунчалик тезлашади, юртимиз равнақ топади. Зотан, тадбиркори, ишбилармони кўп халқнинг турмуши ҳамиша фаровондир.

**Наргиза ШОКИРОВА,**
**Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар «Наргиза ШОКИРОВА» номли фермер хўжалиги раҳбари.**



## МАВСУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Чорвадорнинг куни туғди. Ҳозир унинг бошини қашлашга ҳам қўли тегмайди. Боиси тўл олиш мавсуми қизғин давом этмоқда. Бу мавсумга Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида пухта тайёргарлик кўрилгани ва барча шароитлар яратилгани ўз самарасини бермоқда.*

*Ўтган йили туманда 82 минг 600 бош совлиқдан 85 минг қўзи олинган эди. Нурободлик чорвадорлар бу йил 90 минг 400 бош она қўйдан 95 минг соғлом қўзи олиш учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.*

*Тумандаги «Улус», «Истиқлол», «Каттақўрғон», «Саҳоба ота» номидаги ширкат хўжаликлари жорий йилги тўл мавсумини муваффақиятли якунлаш арафасида.*

**СУРАТДА: Нуробод туманидаги «Улус» ширкат хўжалиги яйловида.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

Қўшхабар

## ЯНГИ ГУЗАРЛАР

Навоий вилоятида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда вилоят ҳудудида ўн тўртта гузар фаолият кўрсатяпти. Уларда тикувчилик, гилам тўқиш, ҳунармандчилик цехлари, маиший техникани тузатиш, чилангарлик, этикдўзлик устахоналари, дўкон ва чойхоналар мавжуд. Энг муҳими, бу ерда ўз-ўзини бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ҳам жойлашиб, маданий-маърифий тадбирларни ўтказмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Навоий шаҳридаги "Ғалаба", Кармана туманидаги Охунбобоев номли маҳаллаларда ҳам замонавий гузарлар бунёд этилди. Мамлакатимиз мустақиллиги байрамигача вилоятда яна 10 та ана шундай гузарни ишга тушириш мўлжалланмоқда.

## ЗАМОНАВИЙ ШИФОХОНА

Конимех туманида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили туманда иккита замонавий шифо маскани қад ростлади.

Яқинда улар сони яна биттага кўпайди. "Навоийдеҳқонқурилиш" бошқармаси бунёдкорлари томонидан "Қарағата" ширкат хўжалиги марказида қурилган қишлоқ врачлик пунктида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда физиотерапия, акушерлик, терапия бўлимлари, лаборатория мавжуд.

Шунингдек, "Қарағата" овулида қоракўлчилар учун турар-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар қуриш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҚОМ — БОҚИЙ МУЛК

***Яқинда пойтахтимизнинг Жанубий вокзали ёнидаги симёғочга ёпиштирилган қуйидаги эълонни ўқиб қолдик: «Биродарлар! Миллий мусиқамиз бизни боши берк кўчадан олиб чиқа олмайди. Шунинг учун рок-н-роллни тарғиб қилишга ёрдам беринг!» Эълон бизни чуқур ўйга толдирди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ҳофизи, «Дўстлик» ордени соҳиби, Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти фахрий доктори Ҳасан Ражабийнинг фикрини билмоқчи бўлиб, унга саволлар билан мурожаат қилдик.***

– Сиз айтган бояги эълонни мусиқа маданиятимизга қарши қилинган ўзига хос тажовуз деб баҳолаш керак. Биз буюк, нодир мусиқий маданиятга эга бўлган халқмиз. Неча минг йиллик тарихга эга мақомларимиз, мумтоз мусиқамиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Биргина «Мақом» жамоамизнинг Самарқанд шаҳрида ўтган қатор халқаро мусиқашунослик анжуманларида қилган чиқишлари юқори баҳоланганлиги фикримизга далилдир. Ҳа, мақом – боқий мулк. Негаки унда сўз, куй, ижро бирлиги мужассам.

Шу ўринда бир мисол келтирсам. Ҳозирга келиб истеъмолдан чиққан, унутилган миллий созларимизнинг ўзи йигирмага яқиндир. Мана, улар: авлос, руд, хуштор, барбат, чағона, дилрабо, ётуғон, қўбиз, кунгура, даф, валамиз, мизмор, аялғу, мусиқор ва бошқалар. Ана шу мисолнинг ўзиёқ биз нечоғли юксак мусиқий маданиятга эга халқ эканлигимизни кўрсатмайдими?

Куй-қўшиқларимиз миллий заминдан ажралмаслиги керак. Турли халқлар куйларининг қоришмасидан иборат «бўтқа» бизга нима беради?

Ўзининг миллий мусиқа тафаккуридан маҳрум этилган халқ ҳеч қачон рўшноликка чиқолмаган, чиқолмайди ҳам. Шу ўринда 1991 йили Ҳиндистонда гастролда бўлган чоғимизда атоқли ҳинд мусиқа арбоби, профессор Ражендра Кумарнинг айтган қуйидаги сўзлари ёдга келади: «Бузрук», «Рост», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» мақомларига эга бўлган сизнинг юртингизга Ғарб мусиқасининг нишхўрдлари ҳеч бир қаршиликсиз кириб келаётгани мени хавотирга солмоқда. Нега бу хатти-ҳаракатни халққа қилинган хиёнат деб баҳоламайсизлар?»

Тўғри-да, 400 босма табоқдан зиёд катта бир мусиқий қатлам – мақомларнинг мушкулотлари, насрлари, уларнинг 40 соатлик мусиқий ёзувига эгамиз (бунга Хоразм мақомларини ҳам қўшиб қўйинг). Шундай экан, ҳақиқий санъат даражасидаги эстрада санъатини қўллаган ҳолда, қандайдир бетайин, енгил-елпи мусиқий намуналарнинг тарғиботига бефарқ қарамаслигимиз керак.

**– Мусиқа миллий ғоянинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек миллий мусиқаси тарғиботидаги вужудга келган бўшлиқни тўлдириш учун, Сизнингча, нима қилмоқ зарур?**

– Бунинг учун радиода мақом ва мумтоз мусиқа шинавандалари учун алоҳида бир канал очиб бериш лозим. Бундан ташқари, ҳафтанинг маълум кунларида (масалан, пайшанба куни) Навоий номидаги ўзбек давлат Академик опера ва балет катта театрида, Халқлар Дўстлиги саройида, «Туркистон» саройида, Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия таетрида, маданият ва истироҳат боғларида мақомларимиз ва мумтоз куй-қўшиқларимиз асосида театрлаштирилган концертлар уюштирилса, айни муддао бўлур эди. Фақат республика Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Театр жамияти, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академиясининг Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Мукаррама Турғунбоева номидаги миллий рақс бирлашмаси, «Мақом», «Танавор» ансамбллари, қолаверса, атоқли режиссёрлар, актёрлар, сухандонлар, ҳатто костюмерлар бу борада яқиндан ёрдам беришлари, матбуот, телевидение ва радио эса катта тарғибот ишлари олиб бориши зарур. Ахир бошқа халқлар бу ишнинг уддасидан чиқмоқда-ку? Бизнинг улардан қаеримиз кам? Ишонтириб айтаманки, бундай концертларга томошабинлар дарё бўлиб оқиб келган, бу кунни орзиқиб кутган бўлур эдилар.

**– Тақсир, энди бир каромат қилинг: 2050 йилдаги ўзбек мусиқаси маданиятини қандай тасаввур этасиз?**

– Бу даврга келиб Навоийни, унинг салафлари ва издошлари ижодини теран тушунадиган, асрлар синовидан ўтган мақомларимизни, мумтоз ашулаларимизни, куйларимизни нозик ҳис этадиган, яъни ўзлигини биладиган авлод етишиб чиқади. Мен бунга қатъий ишонаман. Ахир Навоий ҳазратлари бежиз:

***Эрурсан шоҳ***
***агар огоҳ сенсен,***
***Агар огоҳ сенсен,***
***шоҳ сенсен,***

– деб ёзмаганлар-ку?!

Биз келгуси авлодлар қарғишига қолишни истамасак, ҳозироқ болалар боғчаларида, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мумтоз меросга муносабатни кескин яхшиламоғимиз лозим.

**«Туркистон-пресс».**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***

**Кўриб ўтдикки, мақомларимиз ва мумтоз куй-қўшиқларимиз тарғиботи ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги сабабли ҳам бу соҳада ана шундай кўнгилсиз ҳолат юзага келган. Бунга Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Телевидение ва радио эшиттириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Санъатшунослик институти раҳбарлари, қолаверса, кенг жамоатчилик нима деркин?**

